

ТИНЧЛИККА ДАЪВАТ

Халқлар дўстлиги орденли Тошкент халқ ҳўжалиги институтида 1985 йилда «Имперализмга қарши, бирдамлик, тинчлик ва дўстлик» шiori остида Москвада ўтказилган ёшлар ва студентларнинг XII халқаро фестивали олдидан ҳамда Ўзбекистон ССР ва республика Компартиясининг 60 йиллик юбилейига бағишланб, ўқитувчилар ва студентларнинг оммавий митинги бўлиб ўтди.

Институт партия комитетининг секретари М. Алиев митингни очар экан, шундай деди:

— АҚШ ва унинг НАТОдаги иттифоқчилари Ғарбий Европада СССР ва бошқа социалистик мамлакатларни мулкка олдирган қанотли

ракетапарни жойлаштириб, ядро қуролни чеклаш ва қисқартириш жараёнини қасдан барбод қилдилар. Улар химиявий қурол-яроғларни ҳам оммавий равишда ишлаб чиқариб, инсоният учун аҳд ҳатари вазиятни юзага келтирмоқдалар. Империялистлар халқаро аҳволни ҳар қачонгидан кескинлаштириб юбордилар.

Ана шундай мурракб шароитда Совет Иттифоқи бошқа социалистик давлатлар билан ҳамкорликда ер юзиде тинчликни қатъий туриб ҳимоя қилмоқда. Мамлакатимиз олға сурган тинчлик тақлифлари комплексини инсониятни ядро уруши хавфидан ҳалос этиш, ядровий қуролашни пойғасини ўқатишга қаратилган. Бу тақлифлар прогрессив инсониятнинг туб манфатларига мос келмоқда.

Йигинда сўзга чиққан молия-иқтисод факультетининг биринчи курс студенти, ВЛКСМ XIX съездининг делегати Б. Қосимова, институт талабаси, Куба республикасининг граждани Мендозо Камило Вазнес ва бошқалар ўзларининг урушга бўлган нафрат-туйғуларини баён этидилар. Молия-иқтисод факультетининг студенти Р. Гиссиддинова митинг қатнашчиларининг бутун дунё прогрессив ёшларига қаратилган Муружаатини ўқиб эшиттирди. Шундан сўнг институтнинг спорт комплексида «Спорт — тинчлик эли» шiori остида оммавий мусобақалар ўтказилди.

А. Тўраев.

БўЛАЖАК ОФИЦЕРЛАР ОБЛАСТЬ СЛЕТИ

ЖАНГОВАР КАСБ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўрток К. У. Черненко комсомол ташкилотлари секретарларининг умумармия кенгашида сўзлаган нутқида, жумладан, шундай деган эди: «Шонли юбилей — совет халқининг Улуғ Ватан урушидан Ғалабаси 40 йиллигига ҳозирлик қилиш пайтида ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги тарбиявий ишларни кенг авж олдириш лозим. Ёшларни Ватанга муҳаббат ва унинг душманларига нафрат руҳида, юксак сийсий-синдий ҳушёрлик, жасоратга шай бўлиб турши туйғуси руҳида янада қатъият билан тарбиялаш

керак». Ҳарбий ўқув юрларига киришни хоҳловчи ёшларнинг область слетиде ана шу масала диққат марказида бўлди. Мактаблар, ҳунартехника билим юрларининг биттирувчилари, ёш ишчилар «Вилимлар уй»нинг улкан залини тўлдирдилар. Улуғ Ватан урушининг ветеранлари, Совет Армияси офицерлари президиумга кўтарилишди. Шунингдек, бу ерга ҳарбий билим юрларининг курсантлари ҳам келишди.

Слетин Тошкент область комсомол комитетининг секретари Х. Абдурашодов очди. Уруш ветерани А. Хўжаев солиқ туркистончи жангчи

ларнинг Улуғ Ватан уруши фронтларида қўрсатган жасоратлари ҳақида гапириб берди. «Ташавтохобслуживание» ишлаб чиқариш бирлашмасининг слесари, яқиндагина Совет Армияси сафларида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган А. Мавлонов армия ҳаёти ҳақида ёшларга мароқли ҳикоя қилди. Ленин районидаги 37-мактабнинг биттирувчиси В. Варламов, Ўзбекистоннинг 4-мактаб ўқувчиси А. Камоллов ўз мактабларида ёшларни ҳарбий хизматга тайёрлаш ишлари, В. И. Ленин номи Тошкент умумқўшун командирлари олий билим юртининг курсанти А. Кильдашев Совет Қурулди Кучлари сафиде офицер бўлиб хизмат қилиш орауси тўғрисидаги фикрлари билан ўртоқлашдилар.

Кенг саҳни айвонга қўйилган панжарали ёғоч қораватларда беқасам қўрпачалар тўшалган, пар ёстиқлар қўйилган. Мис самоварда чой қайнаб турибди.

Усталар чойхона қурилишида шарқ миллий архитектура санъатидан моҳирлик билан фойдаланишган. Дурадгорлар, ганчкорлар, расомлар меҳнати уйғунлашиб гўзал кўриниш қасб этган. Ичкарисида 170 ўринли зал ҳам бор. Бу ерда миллий ва европада таомлар тайёрланмоқда. Зал ёруғ, ҳавоси

КОЛХОЗДА МАҲОРАТ ҚУРИГИ

Яқинда Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхоз чорвачилик комплекси наслчиллик пунктида техник-ассимилаторларнинг район кўрик-конкурси бўлиб ўтди. Унда район агроисаноат бирлашмаси чорвачилик бўлими вакиллари, ветеринария врачлари, колхоз-совхозларнинг бош зоотехниклари ва техник-ассимилаторлар иштирок этишди.

Кўрик-конкурсда ассимилаторларнинг билими, маҳорати, молларини сунъий қорчиришда зооветеринария қоидаларига амал қилиш да

ЧОРВАДОРЛАР КОНКУРСИ

ражиси синодан ўтказилди, жюри аъзолари бал қўйиш йўли билан баҳоладилар.

Конкурсда «Ленинобод» колхозининг техник-ассимилатори М. Усмонов қаққонлиги, билимдонлиги ва молларини сунъий қорчириш пухта ўлаштириб олганлиги билан ғолиб чиқди. 86 бал тўплаган М. Усмонов 100 сўм пуд мукофоти билан тақдирланди.

Иккинчи ўринни «Партия XXII съезди» колхозининг 67 бал тўплаган техник-ассимилатори С. Қудузов, учинчи ўринни эса «Ленин» колхозининг 65 бал тўплаган техник-ассимилатори Р. Тоғаев эгалладилар. Улар 75 ва 50 сўмлик мукофоти олдилар.

О. Тўрақулов.



ХАРЬКОВ

«Иқтисодий эксперимент шароитида ишлаётган «Ўйроэлектронмаш» бирлашмасининг коллектив ўз маҳсулотида бўлган буюкмаҳоратнинг ҳаммасини йил бошидан бунга тўла-тўқис ва ўз муддатида бажармоқда. Кўпгина иқтисодий воситалардан моҳирлик билан фойдаланиш, бошқарининг автомат системасини жорий этиш ана шундай натижаларга эришишга ердан берди. Компьютерлар ердаида корхоналардаги цехлар ва бўлимларнинг куч-гайратини мувофиқлаштириб турувчи ягона календарь план-график ишлаб чиқилди ва унга қатъий риоя қилинмоқда.

ЛЕНИНГРАД

Сўнгги кўнграқ Волков районидеги «Заречье» совхозидеги мактабининг кўнчилар ўқувчилари учун янги чорак — меҳнат чорати бошлангандигидан дарак берди. Хўжалиқнинг бош инженери,

Советининг депутаты А. Рўлько ана шу меҳнат чоратига раҳбарлик қилди. Пурсногорск қишлоқ советининг бошқа депутатларини ҳам ўқувчилар билан бирга далаларда ва фержаларда тез-тез кўриш мумкин. Қишлоқ совети ёшларнинг қишлоқда ишлашга, уларнинг касб-кор урганлишига катта эътибор бермоқда.

УРАЛЬСК

Ер тағидеги кўллардан сув «Степной» колхоз меҳнатчиларининг хонадонларига етди келди. Гидрогеологлар, лойнаҳчилар ва «Уральскводопроводстрой» тресте бўлималярининг баҳамжхат бўлиб ишлаш Зедечегорск ва Каменск районларидаги хўжаликларини сув билан таъминлашнинг янги системасини белгиланган муддатдан бир неча ой ялғари ишта туширини имконини берди. Ер ости кўллардан фойдаланиш дастли Урал бўйидаги қишлоқ аҳоли пунктларини сув билан таъминлаш ик-шашининг асосий йўналишларидан бири бўлиб қолди. Бу ерда беш йиллик бошидан бунга чучук сувнинг ўйлаб ҳазиналари очилди.



СПОРТ + СПОРТ + СПОРТ + СПОРТ + СПОРТ + СПОРТ + СПОРТ

«СОХИБКОР» УЙИЛАРИНИ ҚУРИНГ

СССР чемпионатининг иккинчи лигасида қатнашувчи Халқободнинг «Соҳибкор» командаси бу йил мамулини уйинлари билан мухлисларини хушнуд этмоқда.

Команда эришаётган муваффақиятларини сири, — дейди республика тоифасидаги судья Ғайрат Шокур



СУРАТЛАРДА: «Самарқанд» чойхона-ошхонасининг ташқи ва ички кўр-нишлари.

«САМАРҚАНД» ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

ТОШКЕНТ аэропортига бораверишдаги катта йўл бўйида қад ростлаган чойхона-ошхона ўтанининг ҳам, кетганининг ҳам эътиборини ўзига тортяпти. Қуёшга қараб тўшган баланд айвоннинг кунрадор устунлари, ўймакор эшикдари, нозик нақшлари Самарқанддаги қадимий обидаларни эслатиб турибди. Зеро, бу қошона ҳам самарқандлик усталар қўли билан бунёд этилган.

Кенг саҳни айвонга қўйилган панжарали ёғоч қораватларда беқасам қўрпачалар тўшалган, пар ёстиқлар қўйилган. Мис самоварда чой қайнаб турибди.

Усталар чойхона қурилишида шарқ миллий архитектура санъатидан моҳирлик билан фойдаланишган. Дурадгорлар, ганчкорлар, расомлар меҳнати уйғунлашиб гўзал кўриниш қасб этган. Ичкарисида 170 ўринли зал ҳам бор. Бу ерда миллий ва европада таомлар тайёрланмоқда. Зал ёруғ, ҳавоси

мўтадил. Шиндаги 3 та гўмбаз дарчаларидан ёғди ёғилиб турибди.

Чойхона-ошхона қурилишини «Самарқандобселистрой» трестига қарашли кўча механизациялашган колонна қурувчилари олиб боришди, — дейди Фрунзе район ошхоналар трести директорининг ўринбосари Ж. Хўсанов. — Уларга шахри-надаги «Уста» бирлашмаси, Ўзбекистон бадий фонднинг қўли гул санъаткорлари ердан беришди. Қомил-жон Каримов, Юрий Михайлович Рубинов каби усталар ўз шоғирдлари билан ҳар бир ишнинг маромига етказиб бажаришди.

Трест коллективини ҳам чойхона-ошхона қурилишига катта ҳисса қўшди. Дам олиш кўнлари ушатирилган шапбалликларда кўпгина ишлар бажарилиди.

«Самарқанд» деб номланган янги қошона атрофлари кенг гулзор. Мармар ҳовуз-

ларга фавворалардан зилол сулар отилиб турибди. Ҳовузалар атрофида 8—10 ки-шилик алоҳида алоҳида су-батхоналар қуриляпти.

Районда умумий оқват-лашти тармоқлари йил са-йин кенгайиб боришти. Ҳо-зир марказий бозор олдиде-ги «Фалка» кафееси реконструкция қилиняпти. Деҳқонлар учун ошхона ва чойхона қуриляпти. Ҳаде-май, аэропорт иқинида «Тош-кент» деб номланган янги кафе ишта тушади. У 180 хўрандага хизмат қилади.

Корхоналардаги ошхона-лар ҳам кенгайиб борапти. Ҳо-зир иккинчи тикувчилик фабрикаси ишчилари учун 280 ўринли ошхона қурил-моқда. Биринчи пойабзал фабрикасида эса новвойхона ва кулилари магазини бун-ёд этиляпти. Бошқа корхо-налардаги ошхоналар ҳам реконструкция қилиниб, за-монавий тус оляпти.

Ж. НОСИРОВ.



«ОҚШОМ» — ЯНГИ СААҚИН ИЧИМАИК

«Тошкентпиво» ишлаб чи-қариш бирлашмасида «Оқ-шом» ичимлигини тайёрлаш ўлаштирилди. Унда ялпа ва бошқа гиёҳлар қиди-бор. «Средазининишче-пром» институтининг мута-хассислари ишлаб чиққан янги рецепт составига шу-гиёҳлар кирди. Езда Ўзе-бекистон аҳолиси 30 минг де-калитр янги ичимлик олади.

Ўзбекистон озиқ-овқат са-ноати ходимлари ўтган беш йилдида салқин ичимлик-лар тайёрлаш учун маҳал-лий хом ашёдан фойдала-

ниш йўлига ўтдилар. «Рай-хон» ичимлиги шу соҳада қўйилган биринчи тезда оммалашди. Ҳозир эса ичи-мликларнинг қарийб ярми маҳаллий ўт-ўландан тай-ёрланмоқда. Шу йилнинг ўзидеги бундай ичимлик-лар хили икки баравар қў-палди.

Редактор Н. НАСИМОВ.

ЁШ АВИАМОДЕЛЧИЛАР

Собир Раҳимов райо-нидаги пионерлар саройида барча тўғараклар намуна-ли ишлапти. Авиамоделчилар тўғарига 30 дан зиёд ўқу-чи жалб этилган.

Сурада: Валерий Му-ханов (чапда) шоғирдлари би-лан машғулот пайтида.

М. Нуриддинов фотоси.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси

ТОШКЕНТ ОКРУГ ОФИЦЕРЛАР УЙИДА 14 ИЮНЬ СОАТ 20.00 ДА

М. Қориёқубов номидаги Ўзбек Давлат филармонияси

«ХАНДА» АНСАМБЛИНИНГ КОНЦЕРТИ

ПРОГРАММАДА: «ҚУЛГИ КИРГАН УЙГА, ҚАНГУ КИРМАГАЙ» САТИРА ВА ЮМОР ЭСТРАДА ТОМОШАСИ (икки бўлимда)

Сценарий муаллифлари: Ҳайдарали УЗОҚОВ, Шерқў-зи ҒОЗИЕВ.

КАТНАШАДИЛАР: Шерқўзи ҒОЗИЕВ, Аъзам ҒОЗИЕВ, Ғайбулла МЕ-ЛИЗИЕВ, Малика ШАРИПОВА, Розия НАЗАРОВА, Санобар РАҲИМОВА, Ўсир ЮСУПОВ, Қўрбонали ТИЛ-ЛАЕВ, Насиба ЭСОНОВА, Валентина ПАШКОВА.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛГУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ Музика раҳбари — Мирсалим МУҲАММАДЖОНОВ.

Программани — Мамасоли ҚОЛМАТОВ ва Зайниддин ОМОНОВ олиб борадилар.

В. П. ЧКАЛОВ номидаги ТОШКЕНТ АВИАЦИОН ИШЛАБ-ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ ВА ТОШКЕНТ ЭКСКАВАТОР ЗАВОДИ БАЗАСИДАГИ 86-УРТА ХУНАР — ТЕХНИКА БУЛИМ ЮРТИ 1984-1985 ўқув йили учун қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТОКАРЬ (программалли бошқариладиган станокда иш-ловчи), УЧИШ АППАРАТЛАРИНИ ЙИГУВЧИ СЛЕ-САРЬ, САНОАТ УСКУНАЛАРИ РЕМОТИ БУНИ-ЧА СЛЕСАРЬ, ГАЗ-ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИ, ЭЛЕКТР КЎТАРМА КРАНЛАРИ МАШИНИСТИ, ОТК КОНТ-РОЛЕРИ, АВТОСЛЕСАРЬ, ЭЛЕКТРОМОНТЕР. 15 ва ундан катта ёшдагилар қабул қилинади. Ўқиниш муддати — 3 йил.

МЕТАЛЛ БУНИЧА УНИВЕРСАЛ ТОКАРЬ, САНО-АТ ЖИҲОЗЛАРИ БУНИЧА РЕМОТИЧ-СЛЕСАРЬ, МЕХАНИК — ЙИГУВ ИШЛАРИНИНГ, СЛЕСАРЬ — МЕХАНИКИ, ЭЛЕКТР КЎТАРМА КРАНЛАРИ МА-ШИНИСТИ, ЭЛЕКТР ПАЙВАНДЧИ. 17 ва ундан катта ёшдагилар қабул қилинади. Ўқиниш муддати — 1 йил.

Бир йиллик ўқиниш қабул қилинганлар 65 сўм ҳажмида стипендия ва практика даврида ишлаб топган меҳнат ҳақининг 33 процентини оладилар.

БИЛИМ ЮРТИГА 8 — 10 СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БУЛГАН ЙИГИТЛАР ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИ-ЛИНАДИ.

Билим юртига қабул қилинганлар 3 маҳал иссиқ ов-қат ва кийим бош билан таъминланадилар.

Билим юртида ўқиниш муддати иш стажига қўшиб ҳи-собланади.

Билим юртида 2 та техника ижодкорлиги тўғариги, радиоаваскорлар тўғариги, фототўғарак, 8 та бадий ҳаваскорлар тўғариги, ўзбек халқ чолгу-асоблари ансамбли ва бошқа тўғараклар бор. 10 та спорт секция-си ишлаб турибди. Ёзги қаникул даврида ўқувчилар «Чимен» лагерига борадилар. Ватанимиздаги қаҳрамон шахарларда бўладилар. Билим юртини таомолаганлар олий ўқув юртига имтиёзли қабул қилинадилар.

Ўқиниш кирувчилар қуйидаги ҳужжатларини топшира-дилар: директори номига ариза, таржиман ҳоли, туғил-ганлиги ҳақида гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти тў-ғрисида гувоҳнома ёки аттестат, турар жойидан саврина, медицина савраник (286 — форма) 3Х4 см. ҳажмидаги 6 донга фотосурат.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНДИ.

Билим юрти адреси: Содинқов кўчаси, 6 — уй (4, 5 троллейбусларнинг «Экскаватор заводи» бекати; 3, 23, 23, 29 — трамвайларнинг «Старт» стадиони бекати.) Теле-фон 35-61-30.

БУГУН

МТ-1. 9.00 — «Время». 9.50 — Мультифильмлар. 10.20 — Е. Школьникове кўйлайди. 10.35 — Савҳатчилар клуби. 11.35 — «Берлиоз ҳаёти». Олти серия-ли телевизион бадий фильм: 1-серия. 12.30 ва 15.00 — Ян-гилликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.15 — «Россия тароналари». 17.05 — Мухбир-ларимиз ҳикоя қиладилар. 17.35 — «Парвоз». Очерк. 17.55 — Концерт. 18.25 — «Расмларда кўёш акси бор». 18.40 — Дунё ва ёшлар. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Мультифильм. 19.40 — Теле-фильм. 20.45 — «Берлиоз ҳаёти». Телевизион бадий фильм. 2-серия. 21.30 — «Вре-мя». 22.05 — «Сеннинг киз-нишларинг, театр...». 22.40 — Дунё панорамаси. 23.30 — Дунё воқеалари. 23.45 — Спорт ҳафталиги.

ЎзТБ-11. 10.00 — «Ахборот. 10.20 — Болалар учун филь-млар. 11.00 — «Болалик — бу кемаклар бўёғи». 11.30 — «Дўстим, Колька». Бадий фильм. 13.00 ва 18.00 — Ян-гилликлар. 18.15 — Қўнғирқоқ фильм. 18.30 — «Тенгдошлар-нинг ижодидеги». 19.00 — «Ме-натга яраша шараф ва шўх-рат». 19.30 — «Ахборот». 19.45 — «Тараққиёпарвар жаҳон адабиёти». Янис Рицс. «Озо-дик — онеминиз». 20.30 — «Ах-борот». 20.50 — Концерт. 21.30 — «Время». 22.20 — «Олий мақсад сари». Бадий фильм. 2-серия. 23.45 — Янгилликлар.

ЎзТБ-11. 9.00—17.00 — МТ-11. 18.15 — 18.45 — «Рус тили — халқларнинг дўстлик ва қар-дошлик тили». 19.15 — Теле-фильм. 19.35 — «Ким бўлсам экан!». 20.00 — Тошкент янги-ликлари. 20.20 — Озиқ-овқат программаси амада. 20.50 — Телефильмлар.



НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 13/VI де Оккуш қўли, 14/VI де Бўрон.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВ-ЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕ-АТРИДА — 13/VI де Зебунни-со, 14/VI де Отелло.

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ-ДА — «СУВДА ЦИРК» Мос-ква циркининг гастроллари (19.30 да).

ДОВЮРАК ПИОНЕРЛАР

Область марказидаги 16-мактаб 4-синфининг ўқувчи-лари Светлана Терешонок ва Лена Лисеева жиюнчи-ларини ушлашда милиция хо-димларига ёрдам бердилар.

Воқеа бундай бўлди. Ду-гоналар мактабдан қайтиб келатиб кўлида тугун би-лан девор ошган бир эркак-ни кўриб қолдилар. Ўқувчи-лар бирон ноҳуш воқеа юз берганлигидан шубҳалан-ди, ўзларини панага олиб кузата бошладилар. Тез ора-да биринчи эркакка иккин-чиси келиб қўшилди. Улар атрофга алаң-жалаң кўз ташлаб, кўчадан тез юриб кета бошладилар.

Қизлар эсанкирамай мили-цияга телефон қондилар ва орадан бир неча минут ўт-

гач, улар милиция машина-сида кетар ва йўловчиларга диққат билан назар ташлар эдилар. Ленин «танишлар» гоийб бўлгандек эди. Ду-гоналар милиция бўлимига бу-шашиб қайтидилар. Бу орада оператива ходимлар мактаб ўқувчилари айтган аломат-ларга кўра, шубҳали киши-ларни изладилар. Улар эса топилиди. Бу кишилар ашад-дий жиюнчилар бўлиб чиқ-ди.

Светлана Терешонок ва Лена Лисеева хушёрликлари ва жиюнчи оқишда актив ёрдам берганликлари учун Беркжийий район ички иш-лар бўлимининг фахрий ёр-ликлари ва қимматли совга-лар билан мукофотландилар.

(ТАСС мухбири).

ТУРНИР ЖАДВАЛИ

Команда:	У.	О.	Т.
«Динамо» Самарқанд	14	24	25 — 7
«Нефтяник» Фаргона	15	23	30 — 10
«Сурхон»	16	21	20 — 12
«Хива»	18	21	12 — 15
«Автомобилист» Наман-ган	15	18	15 — 9
«Соҳибкор»	15	18	20 — 13
«Олга» Фрунзе	14	16	21 — 15
«Ешлик» Тўрақургон	16	16	16 — 12
«Зарафшон» Навоий	15	16	21 — 18
«Пахтакор» Қўрғонтепа	16	16	21 — 18
«Наризманоцев»	15	15	20 — 17
«Янгир»	15	14	16 — 14
«Хўжанд» Ленинобод	16	14	20 — 22
«Целиник» Тўрткўл	15	13	11 — 21
«Старт» Тошкент	15	13	12 — 16
«Касансаец»	15	12	15 — 25
«Бешкент»	15	11	14 — 23
«Шахриханец»	15	9	24 — 28
«Олой Ўш	15	9	10 — 20
«Амудар» Нукус	15	6	10 — 37

«СОХИБКОР»НИНГ БУ ЙИЛГИ УЙИНЛАР КАЛЕНДАРИ:

16 июнь «Соҳибкор» — Нармановец». 19 июнь «Соҳибкор» — «Хива». 26 июнь «Динамо» — «Соҳибкор». 29 июнь «Зарафшон» — «Соҳибкор». ИККИНЧИ ДАВРА 23 июль «Соҳибкор» — «Зарафшон». 26 июль «Соҳибкор» — «Олой». 1 август «Хива» — «Соҳибкор». 4 август «Нармановец» — «Соҳибкор». 10 август «Соҳибкор» — «Пахтакор». 13 август «Соҳибкор» — «Сурхон». 19 август «Олга» — «Соҳибкор». 22 август «Старт» — «Соҳибкор». 30 август «Бешкент» — «Соҳибкор». 6 сентябрь «Соҳибкор» — «Нефтяник». 9 сентябрь «Соҳибкор» — «Нефтяник». 15 сентябрь «Амудар» — «Соҳибкор». 18 сентябрь «Целиник» — «Соҳибкор». 24 сентябрь «Соҳибкор» — «Хўжанд». 27 сентябрь «Соҳибкор» — «Ешлик». 3 октябрь «Янгир» — «Соҳибкор». 6 октябрь «Автомобилист» — «Соҳиб-кор». 12 октябрь «Соҳибкор» — «Касансаец». 16 октябрь «Соҳибкор» — «Шахриха-нец».

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
/ "Ташкентская правда" /
Орган Ташкентского обкома
Коммунистической партии Узбекистана
и областного совета народных депутатов

БИЗНИНГ АДРЕС:
700000. Тошкент — П,
ЛЕНИН кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916, 325748, масъул секретарь — 334808, 325353, секретариат — 325750. БУЛИМЛАР: партия турмуши — 325778, санаот, капитал қурилиш ва транс-порт — 325749, қишлоқ хўжалиги — 325647, пропаганда; совет қурилиши — 325645, фан, мадани-ят ва олий ўқув юрлари — 325553, адабиёт ва санъат — 325787, ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар; фельетонлар — 334048, 325354. Фотомухбир — 325894.

